

Иновацион ривожланиш вазирлиги «Тадбиркор аёл» ассоциациясининг мамлакатимиз хотин-қизларини тадбиркорликка ўқитиш бўйича ягона онлайн платформа яратиш мавзусидаги инновацион лойиҳасини молиялаштиришга тавсия этди.

Лойиҳага кўра, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги хотин-қизларни касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш учун ягона онлайн платформа яратилади. Натижада турли йўналишлар бўйича тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантиришга ва уларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишлари самарадорлигини оширишга, ҳуқуқий ва молиявий билимларини мустақамлашга хизмат қиладиган ўқув-методик материаллар, қўлланмалар тайёрланади.

Хорижий давлатлар амалиётига кўра, барча соҳаларда таълим жараёнлари анъанавий усул билан бир қаторда, онлайн тарзда ҳам амалга оширилади. Пандемия даврида бу йўналиш нақадар тўғри ва долзарб экани яна бир бор ўз исботини топди. Ҳар томонлама мукамал ва фойдаланувчилар учун қулай платформанинг мавжуд бўлиши эса таълим сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ягона онлайн платформанинг амалиётга татбиқи этилиши ишбилармон аёллар ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган хотин-қизларга масофадан туриб ўз билим ва малакаларини ошириш имконини беради. Бу жараён тизимли равишда йўлга қўйилиши натижасида бизнес тренинглари ўтказиш учун бино ижараси ва бошқа мақсадлар учун сарфланадиган маблағлар иқтисод қилинади, энг муҳими, қатнашчиларнинг вақти тежалди.

Янги дастурий таъминотдан турдош таълим муассасалари ҳам фойдаланишлари, хотин-қизлар ўз маблағлари эвазига дастурий таъминотга кириб, малакаларини оширишлари мумкин.

Комила БОЙМУРОВА,
«ISHONCH»

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
7 апрель
пайшанба
№ 44
(4640)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ташқи қарз:

ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ



Хабарингиз бор, «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 18 март сонида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Бугун қарсақлар замони эмас!» сарлавҳали мақоласи чоп этилган эди. Таъкидлаш жоизки, мақола юртдошларимиз орасида жуда катта акс садо берди. Буни турли соҳа мутасаддилари, экспертлар, зиёлилар, тадбиркорлар, аграр тармоқ вакиллари, оддий одамлар, қўйингки, мамлакатимиздаги тарихий янгиланишлар жараёнига бефарқ бўлмаган кенг аҳоли қатлами томонидан бевосита таҳририятга йўлланаётган, электрон почта манзилимиз орқали келиб тушаётган муносабатлар, ижтимоий тармоқлардаги сўхмаларимизда қолдирилаётган изоҳлардан ҳам билиш мумкин. Ва бу жараён ҳамон давом этмоқда.

Хўш, мақола нима учун бунчалик катта қизиқиш уйғотди? Сабаби унда давлат ташқи қарзига оид долзарб мавзу чуқур ва қиёсий таҳлиллар, ҳаётий мисоллар билан аниқ, содда ва тушунарли тарзда очиб берилганки, иқтисодиётдан у қадар хабари йўқ киши ҳам мақолани ўқиб, кўтарилган масала моҳиятини англаб етади, десак, асло му-

болаға қилмаган бўлаемиз. Албатта, бугунги давр инсоният учун осон кечаётгани йўқ. Коронавирус пандемиясининг оғир асоратлари, ҳақон иқтисодиётидаги мураккаб вазият, ҳар куни юзага келаётган янгидан-янги синовлар тез-тез содидан у қадар хабари йўқ киши ҳам мақолани ўқиб, кўтарилган масала моҳиятини англаб етади, десак, асло му-

тимиз раҳбарияти инсон манфаатлари йўлидаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириб, ички бозордаги мўтадилликни таъминлаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, халқимизни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган сиёсатиға қатъий амал қиладигани таҳсинга сазовор. Бунга, шубҳасиз, пухта асоссиз эришиб бўлмайди ва ана шу асос янги Ўзбекистонни барпо

этишга киришилган илк кунларданок қўйила бошланганди. Мақола айни жиҳатдан эътиборга молик бўлиб, унда ташқи қарз олишнинг моҳияти ва омиллари тушунтириб берилган. Келинг, энди юқорида айтиб ўтганимиз – муносабатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилсак.

>>2-3

Президентнинг 2021 йили 20 декабрдаги «2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармонининг 5-бандида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари дам олишларини ташкиллаштириш юзасидан касаба уюшмалари ташкилотлари ишини фаоллаштириш тавсия этилган.

Юртимизда тиббий туризм ривожланмоқда

Айнан шу мақсадда санаторийларда тажриба тариқасида ички туризм ва тиббий туризмни ривожлантириш йўналишида илк қадамлар қўйилди.

Дастлаб ижтимоий тармоқлар орқали юртдошларимизга Наврўз байрами муносабати билан Тошкент вилоятидаги «Кўҳинур» ҳамда Бухоро вилоятидаги «Ситорай



Моҳи Хоса» санаторийсида мароқли дам олиш тадбирлари ташкил этилиши ҳақида эълон берилди. Бунинг натижаси ўлароқ, «Кўҳинур»да 20 нафар, «Ситорай Моҳи Хоса» санаторийсида эса 40 нафар юртдошимиз учун 3 кунлик маданий-тиббий тадбирлар ва зиёратлар ташкил этилди. Булардан ташқари, дам олувчиларга турли тиббий муолажалар кўрсатилди. Маданий тадбирлар доирасида ишти-

Ташаббус

роқчиларга гастрономик тур таклиф қилинди ҳамда ташкилотчилар ва дам олувчилар томонидан дошқозонларда сумалаклар тайёрланди, тандирларда кўк сомсалар ёпилди. Моҳир ошпазлар меҳмонларни палов, кабоб билан сийлашди. Шунингдек, фольклор жамоаларининг дастурлари иштирокчиларга хуш кайфият улашди.

Дам олувчиларнинг «Ситорай Моҳи Хоса» санаторийси томонидан Бухоро шаҳридаги тарихий обидаларга, «Кўҳинур» санаторийси томонидан эса Зангиота зиёратгоҳига ташрифлари уюштирилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: тиббий туризм биз учун нисбатан янги тушунча, аммо у дунёда аллақачон амалда. Юртимизда тиббий туризмни ривожлантириш учун биринчи навбатда дунё тажрибасини ўрганиш керак.

Республикамизда соҳани ривожлантиришда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги касаба уюшма ташкилотлари ва Санатор-курортлар бошқармасининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Агар ҳамкорлик талаб даражасида йўлга қўйилса, амалда кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Малика АЛИМБЕКОВА,
Санатор-курортлар бошқармаси бош мутахассиси,
Дониёр ШАҒЗАТОВ,
тиббий фанлари номзоди

Тошкент шаҳри

Бор бўл, оқибат!

КЎНГИЛГА ТАШРИФ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳар йили пойтахтимиздаги «Муруват ва саҳоват», Меҳрибонлик уйлариға ташриф буюриб, ўқисик қалбларға малҳам бўлишни, уларға ҳам моддий, ҳам маънавий қўмаклашишни анъанаға айланган.

Яқинда ана шу анъанаға содиқ равишда Республика пансионатидаги уруш ва меҳнат фахрийлари, яқка-ёлғиз, парваршишга муҳтож кексалар ҳолидан хабар олинди. Улар билан самимий мулоқот ўтказилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

Айни бу масканда 140 нафардан зиёд ўзгалар парваршишга муҳтож фахрийлар истиқомат қилмоқда. 80 ёшни қоралаган Раҳмон Холиқов улардан бири.

– Мени ҳаёт кўп ва хўб синанган, – дейди отахон. – Ота-онамдан эрта етим қолгач, бувимнинг қўлида тарбия топдим. Вояға етиб, оила қурдим, аммо тақдир менга яна бир «туҳфа» тайёрлаб қўйган экан. Бир умр фарзанд қўриш армон бўлиб қолди. Хуллас, ҳамма яқинларимдан айрилгач, шу ердан кўним топдим. Тақдир менга шуни раво кўрди. Қалбимни маҳзун ўйлар кемира бошлаганда ҳол сўраб келганлар кўнглимни кўтарди. Меҳрни ҳис қиламан.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгашининг бу каби хайрли тадбирлари давом этмоқда.

Азизбек ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчиси

Ташқи қарз: ТАРАҚҚИЁТГА

Ўзбекистоннинг тўлов қобилиятига ишонч тасдиғи



Акром ҲАСАНОВ,
Австралиянинг Монаш университети катта илмий ходими, PhD, бизнес факультети илмий-тадқиқот дастури директори ўринбосари

Хозир ўзга юрта бўлсам-да, жонажон Ватанимиз тақдир билан боғлиқ даярли барча жараёнларни кузатаман, беварқ қарай олмайман. Чунки шу ерда туғилдим, тарбия олдим, ўқиб-ўрганиб шаклландим, сўнг учирма бўлдим. Бошқача айтганда, томирларим Ўзбекистондан «сув ичади».

Мақолада кўтарилган масала доллар бўлганда ташқи қарз нима учун олинади? Савол оддий. Жавоби ҳам жун: мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун, халқ фаровонлигига эришиш учун.

Узоққа бормайлик, кейинги уч-тўрт йилда олимлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва бошқа соҳа вакиллари билан боғлиқ саволларни кўришимиз керакми? Ишлаб чиқариш, илмий салоҳият, қишлоқ хўжалигига эътибор қай даражада кучайди? Қурилиш индустриясидаги ўсиш тезлигини тасаввурингизга келтириб кўринг. Буларнинг барчаси нима билан қўллаб-қувватлаш «оқ-саб» қолмаётганидан. Шу боис ҳам ташқи қарзга муносабатни тўғри тушуниш лозим.

Шу каби зиёлиларнинг муносабатларида кўп мисоллар келтирилмоқда, балки ёд бўлиб ҳам кетгандир, АҚШ, Япония, Россия, Франция, Хитой, Туркия сингари ривожланган давлатларнинг ташқи қарзлари қанчалиги. Бугунги кунда Австралиянинг Монаш университети Малайзия кампусида фаолият юритаётгани боис бу давлат тарихини ўрганганман. Малайзия ҳам бир замонлар, аниқроғи, ўтган асрнинг 70-80 йилларида фақат хом ашё етказиб беришчи камбағал мамлакат бўлган. Вақти келиб дунё ҳамжамиятида ўз ўрни, овози, мавқеи бўлади, деган гап-сўзларга малайзияликларнинг ўзлари ҳам ишонмаган. Бугунги кунда эса у электроника, банк хизматлари, бошқарув масалаларида АҚШ, Япония, Гонконг билан тенг беришмоқда, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари орасида эса етакчилик қилмоқда. Бунга қандай эришди? Албатта, хорижий инвестор-

лар ишончига кириш, улар сармоясини мамлакатга кенг жалб этиш, бунинг учун улкада зарур шароит яратиб бериш ҳисобига. Тараққиёт босқичига қараб кўйган Ўзбекистонда ҳам шу каби жараёнлар кечиши табиий. Қувонарлиси, жаҳон экспорт ташкилотлари мутахассислари Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазият ҳақида яхши фикрлар билдиришмоқда. Масалан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан 2021 йил 26 апрелда эълон қилинган қарзлар барқарорлиги бўйича ҳисоботда мамлакатнинг қарзга хизмат кўрсатиш салоҳияти юқори ва ташқи қарз мўътадил экани айтилган. Бундан ташқари, республиканинг умумий тўлов қобилияти 3,16 бирликкача ошган. Бу халқаро кредитлар мамлакатда давом этаётган иқтисодий ўзгаришлар натижаларига таяниб, Ўзбекистоннинг тўлов қобилиятига ишончини тасдиқлайди.

Масалага илм кўзи билан қаранг!



Шоҳруҳ МАЖИДОВ,
ХХРнинг Чангшу технология институтини доценти, PhD

Хар бир воқеаликка, ҳодисага илмий нуқтаи назардан ёндашишга одатланганман. Шу боис бўлса керак, кейинги пайларда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи бўйича ижтимоий тармоқларда урчиётган гаплар менга эриш туолмоқда. Бу муҳокамаларнинг таг-замини пуч, асос йўқ, умуман, илмий нуқтаи назардан ёндашилмаган.

Тўғри, уларни ёзаётган муаллифлар ташқи қарз, унинг моҳияти, аҳамияти ва берилган фойдасини чуқур тушуниётмас. Ташқи қарзларни қоплаш стратегияси ҳақида ҳам бирор-бир тушунчага эга эмасдир? Бу жиҳатларни ҳам эътибордан қочирмай, дарҳол унга пойинтар-пойинтар муносабат билдириш ҳам инсофдан эмас. Бироқ юрт фарзанди сифатида, тарқиқ ўзим хорижда ишлаётган бўлсам-да, муносабат билдиришга, ўз қарашларимни баён этишга жазм қилдим.

Шундоқ ҳам Ўзбекистоннинг ёзма нашрларида, интернетда бу мавзуда илмий-ҳаётий мисоллар билан чамбарчас ёзилган мақолалар берилмапти. Булар билан уларнинг сайтлари орқали танишиб турибман. Аиникса, менга «Халқ сўзи»да яқинда эълон қилинган Қудратилла Рафиқовнинг катта ва шунга монанд равишда салмоқдор мақоласи маъқул бўлди. Ҳаётий, бугунги кун билан боғланган.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистонда очкичлик сиёсати юритилмоқда. Бу шунга аниқлаштирилган, ташқи қарзларнинг қоплангани ҳақидаги мулоҳазаларни ҳам ҳали кўп ўқиш вақти келади. Ривожланишнинг чўққисига чиқиш ҳам узоқ куттирмайди, деб ўйлайман.

Негаки, бугунги саъй-ҳаракатлар, амалга оширилаётган ислохотлар, дунёвий интеграциялашув ва ўзaro ишонч муҳитининг устуворлик касб этиши қўллаб-қувватлашлар зарурини янада орттиради. Бу эса тараққиёт сари зина-зина кўтарилишга асос бўлади. Учинчи Ренессанс пойдеворига бугундан асос солиниши кераклиги ҳақида Президент беҳиз бонг урмапти. Бу ушалмас орзу эмас. Бугунги мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар ҳам унга тамал тоши бўлиб хизмат қилиши кундай равшан.



Кўпчилиكنи қизиқтирадиган мавзу



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Давлат ташқи қарзи масаласи кейинги пайларда энг кўп гапирилаётган, муҳокама этиладиган мавзулардан бирига айланди. Фикримча, бунинг асосий сабаби – шу пайтгача мазкур мавзу ёпиқ бўлганида. Яъни авваллари қайси давлат ёки молиявий ташкилотдан қанча қарз олинмапти, улар қанча қарз олинмапти, қандай қайтарилади каби саволларга жавоб топиш туғул, бу хусусда аксариятимиз тушунчага ҳам эга эмасдик. Чунки тан олайлик, Ўзбекистон кўп жиҳатдан ёпиқ давлат эди.

Натижада мамлакатимизда сармоядорлар келиши суғ, иқтисодиётимиз ривожини ҳам қувонарли, деб бўлмадик. Мисол учун, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси каби ташкилотлар томонидан бирор мамлакатга маблағ ажратишдан олдин ўша давлатнинг қарзга хизмат кўрсатиш салоҳиятини «паст», «ўртача» ва «кучли» сифатида таснифлайди. Яъни қайтарилиши имкониятини шундай баҳолайди. Бундан икки йил аввал улар Ўзбекистонни «кучли гуруҳ»га киритди. Бу таснифдагиларга давлат ташқи қарзи ЯИМга нисбатан 55 фоиздан, жами давлат қарзи эса ЯИМга нисбатан 70 фоиздан ошаётганига жалб этилаётган инвестициялар ҳам унга тамал тоши бўлиб хизмат қилиши кундай равшан.

қарзи ЯИМга нисбатан 35,2 фоизни ташкил этади, бу хавотирли эмас. Қолаверса, мамлакатимиз қарзини кўпроқ молиявий институтлардан олиб келмоқда.

Охириги йилларда Ўзбекистон очкичликка юз тутди. Иқтисодий рақамлар, рақамлар ортидаги имконият ва шароитлар ҳақида турли хабарлар пайдо бўла бошлади. Бу жараён, табиийки, давлат қарзи, ташқи қарз каби илгарги эшитмаган сўзлар одамларда саволлар пайдо қилди. Уни ҳамма ўзича изоҳлай бошлади. Шарҳлашга киришди. Натижада одамларнинг аҳамиятини тушуниб, масала моҳиятини чуқур аниқлаш бошлади. Шулар орасида «Халқ сўзи»да «Бугун қарсақлар замони эмас!» сарлавҳали мақолада айтилган фикрлар айни шу масалани ҳозир мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни чуқур таҳлил ва асосли факт ҳамда далиллар асосида очиб бергани билан аҳамиятлидир.

Зеро, бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида халқимиз турмуш фаровонлиги, иқтисодиётимиз «кучли гуруҳ»га киритди. Бу таснифдагиларга давлат ташқи қарзи ЯИМга нисбатан 55 фоиздан, жами давлат қарзи эса ЯИМга нисбатан 70 фоиздан ошаётганига жалб этилаётган инвестициялар ҳам унга тамал тоши бўлиб хизмат қилиши кундай равшан.

Имкониятлар калити



Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Фалсафа фанлари доктори, ТДИУ профессори

Хаёт пасту баландиклардан иборат. Гоҳида ундай, гоҳида бундай. Айтилайлик, билангизда кутулмаганда бир муаммо чиқиб қолди. Гап унинг қанчалик катта ёки кичиклигида эмас, нақадар тез ҳал этилиб, ижобий яқун топишида. Албатта, бунинг учун оилабоси масъул ва муаммони бартараф қилиш чораларини кўради. Ана энди бундай вазиятни жамият, бутун бир мамлакат миқёсида тасаввур этиб кўринг – масъулият қанчалик улкан ва заволори.

Пандемия дунё мамлакатларига, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам ортқича юк, қўшимча синов бўлди. Бу мамлакатлар олдига юзага келган вазиятни тезроқ юмшатиш, бунинг учун зарур чораларни кўриш вазифасини кўйди. Бир тарафда одамлар соғлигини сақлаш, иккинчи томонда иқтисодиётни таназзулдан асраш лозим эди. Бундай шароитда аҳолини ҳам тиббий, ҳам ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳам иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ҳазилкам гап эмас.

Энди, ўйлаб кўринг, Ўзбекистон хориж давлатлари билан

дўстона муносабатда бўлмаганида, халқаро молиявий ташкилотлар билан яхши ҳамкорлик қилмаганида мазкур муаммога қандай ечим топган бўларди?! Бу фақат Ўзбекистонга эмас, балки барча давлатларга дахлдор жиҳат. Чунки ўзаро алоқасиз, бир-бирини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватловсиз тараққиётга эришиш қийин. Назаримда, мақолада кўтарилган қарз масаласи айни шу жиҳатдан ҳам жуда долзарб ва ўринли.

Узоқ йиллар сиёсий партия раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Спикер ўринбосари лавозимларида ишлаган тажрибалиримдан келиб чиқиб айтсам, ўша кезларда давлатнинг ташқи қарзи кўпам очик-ойдин қарзи бўлиши, маълумотлар тақдим этилавермасди. Қандайдир ўз қобилимизга ўралиб қолгандик. Лекин аслида бундай юриб бўлмасди. Энг ривожланган давлатлар ҳам бир-биридан қарз олиб, йирик лойиҳаларни амалга оширган. Аҳоли ҳаёт сифатини яхшилашга интилан. Биз нима учун шу йўлни тан-

лаб, одамларга қулай шароит яратмаслигимиз керак? Ахир салоҳиятимиз бўлса, қурбимиз етса! Энг муҳими, халқаро ҳамжамият бугунги ислохотларга ишонч билдириб, ҳамкорлик қилишга тайёр турган бўлса. Шу боис мамлакатимиз халқ манфаати учун дадил қадам ташлади.

Бир омилни яхши аниқлаштириб олишимиз керак. Энг аввало, Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги ташқи қарзи мақбул даражада. Буни халқаро молиявий ташкилотлар ва муассасалар, экспертлар ҳам тан олади. Иккинчидан, ташқи қарз қачон хавотир уйғотиши мумкин? Қачонки у нотўғри сарфланса ёки очик бўлмаган жараёнлар орқали ўзлаштирилса. Лекин бизда ҳаммаси мақсадли лойиҳаларга йўналтирилмоқда. Демак, ортқича хавотирга асос йўқ.

Умуман, бугунги дунё иқтисодиёти фани ва статистикасига таяниб шундай хулоса қилиш мумкинки, қарз қўлиги бир давлатнинг аҳоли оғирлигини англаймайди. Ақсинча, иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли мамлакатлар керак пайтда қарз олиб (нисбатан паст ставкада) имкониятга эга бўладилар.

Матбуот шу мавзуда долзарб мақолалар бериб борса, таҳлиллар орқали одамларнинг масала моҳиятини тушунишига қўмақлаша, ўйлайманки, жуда маъқул иш бўлади. Турли саволларга, тушунмовчиликларга ўрин қолмайди.



Мухиддин КАЛОНОВ,
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Муҳими – мақсадли ва тўғри ишлатиш

Чундан ҳам, ташқи қарз, давлат қарзи ҳақида кейинги пайтларда кўп ва хўп ёзилмоқда. Хусусан, ўзим ҳам бир неча бор оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилдим. Бу орқали ОАВда, ижтимоий тармоқларда, жамоатчилик орасида билдирилаётган фикрларга жавоб беришга интилдим. Лекин «Бугун қарсақлар замони эмас!» мақоласи бу борада энг тушунарли чиқиш бўлди, десам, адашмайман.

Нега деганда, унда ташқи қарз нима, қандай берилади ва олинди, нималарга сарфланади, қайтариш имкониятлари қандай бўлади – барча саволларга аниқ ва ҳаётий мисоллар орқали жавоб берилган. Ўқувчида ортқича иштибоҳ пайдо бўлишига ўрин қолмаган. Ваҳоланки, қарзсиз ривожланган мамлакатнинг ўзи йўқ. Ривожланиш чўққисига мамлакатлар ҳам ташқи қарз эвазига иқтисодиёт локомотиви ҳаракатини тезлаштириш йўлидан боради. Қарз бўла туриб, бир-биридан қарз олаётган давлатлар ҳам бор.

Масалан, АҚШнинг энг йирик ташқи қарзи Япониядан, Япониянинг катта қарзи эса АҚШдан. Бу шунга аниқлаштирилган, дунёнинг ривожланган давлатлари ўртасида ишонч кучли, шу боис улар бир-бирига қарз бериб, бир-бирининг иқтисодиётига сармоя киритиб, ишлашверади. Энг муҳими, олинган қарзни мақсадли ва тўғри ишлата билишда! Бу борада Ўзбекистон юритаётган сиёсат, мамлакат ичкарисидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ишонч бағишлайди.

Ташқи қарзнинг ўсиш динамикаси кейинги йилларда тезкорлик касб этган бўлишига қарамай, халқаро меъёрларга кўра, мўътадил даражада қолмоқда. Бу – халқаро экспертларнинг фикрлари. Улар эса бу гапни илмий нуқтаи назардан ўрганиб, кейин айтган.

Демак, мамлакат тўғри йўлдан шажам одимламоқда. Унинг мевасидан баҳраманд бўлиш кейинги авлодларга эмас, балки сизу бизга ҳам nasib этишига ишонч уйғонган.

Даврга ҳамоҳанг қадам



Юсупжон ЮЛДОТШОБЕВ,
Россия давлат аграр университети профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Россия Фанлар академияси академиги

Илм одами сифатида сенатор ва сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Бугун қарсақлар замони эмас!» сарлавҳали мақоласида кўтарилган мавзу юзасидан ўз қарашларини билдиришни лозим топдим.

Дарҳақиқат, мақолада ташқи қарз нима учун кераклиги, у қандай олиниши, тўғрироғи, қарз қилларга берилиши мумкинлиги, шу мезонга мос бўлиш учун давлат сиёсати қандай олиб борилаётгани ва умуман, мамлакатдаги ўзгаришлар кенг очиб берилган.

Айтиш керакки, Ўзбекистонда очкичлик сиёсати олиб борилмоқда. Шу боис ҳам ташқи қарздан ҳамма хабардор. Ва кўпчилик ижтимоий тармоқлар орқали ўз фикрини билдиришмоқда. Уларнинг айримларини ўқиб, хаёлга борасан: аввалгидек ҳаммаёқни беркитиб, қарсақбозликларга маст бўлиб, бир жойда депсиниб турганинг яхшимми ёки имкониятга яраша қарз олиб, пулни айлантириб, иқтисодиётни ҳам, жамиятни ҳам бирдек ҳаракатга келтириб, мамлакатнинг, миллатнинг томирига янги қон



ЎЙНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ



Ботир ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш вазири

Муносиб ҳаётга мустаҳкам замин

Мамакат тараққиёти даражаси амалга ошириладиган қурилиш билан ҳам ўлчанади. Шу маънода, бугун мамлакатимизда қурилиш бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгайиб бораётгани диққатга сазовор. Бинобарин, сенатор, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов мақоласида келтириб ўтилган Президент таъбирига кўра, «агар бу (қарз) бўлмаганида ойлик ҳам, метро ҳам бўлмас эди...».

Мен Тошкентда туғилиб, вояга етганман. Қасбим қурувчилик. Шу боис азим шахримиздаги бино ва иншоотлар тарихини яхши биламан. Қурилиш жараёнларини таҳлил қила оламан. Қайд этилганидек, Тошкентдаги кўп қаватли уйларнинг аксарияти 1966 йилдан кейин қурилган ва улар, асосан, икки қаватли эди. Кейинчалик ҳам қурилиш ишлари амалга оширилди. Уйлар тўрт, беш, тўққиз, ўн икки, ўн олти қаватли қилиб кўтарилди. Бунда пишиқ ғишдан фойдаланилгани қўл келди. 2018 йилдан эса темир-бетон панеллардан фойдаланила бошланди. Бу, аввало, қаватлар сони ортishi билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ишлар кўлами кенгайishi билан чамбарчас жараёндир.

2020 йилда пойтахтда қуриладиган биноларнинг қаватлари сони кескин ошди. Ваҳоланки, бунгача Тошкентда 12 қаватдан ортиқ атиги 30 га яқин турархона бинолари қурилган эди. Бундан 4-5 йил аввал бизда ҳам замонавий «сити»лар қурилади, осмонулар бинолар бўлади, деса биров ишонмасди. Очиги, кўзимиз пастак-пастак иншоотларга ўрганиб қолганими, бунга ақарият одам тасаввур ҳам қилолмасди. Лекин мана, қилса бўларкан-ку! Бугун нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам замонавий шаҳарчалар бунёд этилди ва этиляпти. Масалан, Самарқанд вилоятида шу вақтга қадар баландлиги 12 қаватдан юқори бинолар қурилган. Утган 2-3 йил мобайнида Қорасув мавзесида 16, 15, 14 ва 12 қаватли жами 116 та турархона барпо этилди. 2021 йилдан эътиборан яна 7 та 16 қаватли, 2 та 25 қаватли уй қуриломоқда.

Ўш андижонли олин. Вилоятда умумий майдони 4 минг гектар бўлган Янги Андижон шаҳри барпо этиляпти. Шаҳарнинг 2 минг гектар қисмида уй-жойлар, ижтимоий объектлар, саноат зоналари, хизмат ва сервис объектлари қурилади. Яна қарийб шунақа майдонда яшил ҳудуд барпо этиломоқда.

Умуман олганда, айни пайтда соҳада 1,5 миллионга яқин қурувчилар фаолият юритмоқда. Тизимдаги қорхона ва ташкилотлар сони эса 43,3 мингтага етган. Қурилиш қорхоналари умумий сонининг 56,9 фоизи бино ва иншоотлар, 9,9 фоизи фуқаролик объектлари, 33,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларини бажаради. 2010 йилда қурилиш ишлари ҳажми 8,2 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич қарийб 100 триллион сўмдан иборат бўлди. Ҳалигача уй-жой қурилиши соҳанинг локомотиви бўлиб қолаётганини инобатга олсак, одамларни кичик ватанини қилиш, яъни уларни қадрлаш, муносиб ҳаёт кечиртишларини таъминлаш Ўзбекистонда амалга ошириладиган ишларнинг тўб мазмун-моҳиятига айланган, дейишга асосларимиз етарли. Зеро, эътибор ва зарур маблағ бўлмаса, замонавий уй-жой ва мавзёлар қардан барпо этиларди!.

Сарфлангани икки баробар бўлиб қайтади



Абдулла ХУРСАНОВ,
«Олмалик кон-металлургия
комбинати» акциядорлик
жамияти бошқаруви раиси,
сенатор

Металлургия саноатига киритилган ҳар бир инвестиция салкам икки баробар иқтисодий қайтмани беради, дейишди. Менимча, бунинг асосида металлургия саноатида эмас, барча соҳа ва тармоқларга ҳам қўлласса бўлади. Бунинг учун ўша сармоя аниқ ва мақсадли йўналтирилса кифоя.

Шу маънода, «Бугун қарсақлар замони эмас!» мақоласида қарз иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, саноат секторини модернизация қилиш, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун зарурлиги, у иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилишга кўшимча сармоялар оқимини киритиш орқали мамлакатга ижобий таъсир кўрсатиши таъкидлангани саноат соҳасининг бир вакили сифатида менда ҳам айрим фикрларни уйғотди. Бунинг ўз фаолиятимиз, аниқроғи, қорхонамиз мисолида тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Президентимизнинг 2017 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ, комбинатимиз томонидан «Ёшлик-1» қонини ўзлаштириш бўйича 5 миллиард 122 миллион долларлик меғалоийҳа амалга оширилмоқда. 11 минг гектар ҳудудни эгаллаган қонда йилга 65 миллион тонна маъдан қазиб олинади. Қонимизда олин, мис, қумуш, молибден, селен каби 13 турдаги қимматли ва нодир металлар бор. Уларни қайта ишлаш учун эса комбинатимизнинг 3-мис бойитиш фабрикаси ҳам қурилмоқда. Унинг қурилишини молиялаштириш учун 712 миллион евро миқдоридagi кредит маблағлари ажратилган.

Электромобиллар, электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳаларининг жадал тараққиёти ҳисобига 2030 йилга бориб дунёда мистга бўлган талаб 40 фоиз ошиши кутуляпти. Демак, мис келажакнинг нодир металга айланади. Аслида, миснинг табиий қони жуда кўп ҳам учрайвермайди. Бундай инъом камдан-кам давлатларгагина nasib этиди. Қувонарлиси, Ўзбекистон шулар қаторида! Геология ишлари натижасида Олмаликда 45 миллион тонна мис захираси топилган. Бугунги кунда жаҳон бозорига 1 тонна миснинг нархи 6,5 минг АҚШ доллари миқдорига баҳоланмоқда.

2028 йилдан кейин «Қалмоқир» ва «Ёшлик-1» қонлари бирлаштирилиши билан Ўзбекистон дунёдаги энг катта очиқ қонга эга мамлакатга айланади. Натижада мис қазиб олиш биринчи босқичда 100 миллион тонна, иккинчи босқичда эса 160 миллион тоннага етади.

Бугунги кунда бизда ишлаб чиқариладиган мис маҳсулотлари 15 давлатга экспорт қилинмоқда. Мамлакатимизда сўнгги 5 йилда мис ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5 баробар кўпайди. Бироқ бу билан чекланмай, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам кенгайтиришимиз керак. Шу боис айни чоғда мис саноати кластерини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган.

Кўряспизми, бир лойиҳа ортидан бошқалари ҳам ривожланипти, қўшимча имкониятлар вужудга келяпти. Иқтисодиётимиз янги ишлаб чиқариш субъектлари, янги маҳсулотлар билан бойияпти. Қўшимча иш ўринлари яратилляпти. Мана, инвестиция, қарз нима учун керак!



Қувондиқ САНАҚУЛОВ,
«Навоий кон-металлургия
комбинати» АЖ бошқаруви
раиси – бош директори,
сенатор

Бардавом ислохотлар натижаси

Хаёти давомида қарз олиб, қарз бермаган киши бўлмаса керак. Мамлакатлар эса ўз-ўзидан, ўзаро қарзлар орқали иқтисодиётини бир-бирига боғлашади. Шулар ортидан олдинга интилиб, халқи фаровонлигини таъминлайдилар. Муаллиф бу борада аниқ рақамларни келтириб, дунёнинг энг ривожланган давлатлари ҳам ўзаро қарзлар воситасида боғланганлигини ижобий ҳоҳиша сифатида таъкидлайди. Лекин бизнинг қарз олишимиз ай-

римларнинг ғашини келтираётганини қандай тушунмоқ керак? Муаллиф ушбу саволга батафсил жавоб бераркан, XXI аср ахборот технологиялари ривожланган давр сифатида барча масалалар инсониятнинг фаровон ва хавфсиз ҳаёт кечирishi ҳамда меҳнат қилишига қаратилиши кераклигини таъкидлайди. Бу борада ривожланган мамлакатларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бутун инсоният тинч-тотув ва ҳамкор-

ликда яшашга интиломоқда. Афсуски, дунёда таҳликали вазиятлар ҳам сақланиб қолмоқда. Ана шундай бир мурраккаб ҳолатда биз ҳам ўз ўрнимизни топишимиз ва уни мустаҳкамлашимиз жуда муҳимдир.

Мен кон-металлургия соҳасининг турли бўғинларида ишлаган раҳбар сифатида шуни алоҳида айтиб ўтишим керакки, кейинги йиллардаги ўзгаришлар тушунимизга ҳам кирган эмас. Олдинлари хорижий ҳамкорларнинг ишончини қозониш, бу соҳага четдан маблағ жалб этиш жуда қийин масала эди. Замонавий ва рақобатбардош техникаларни сотиб олиш учун, албатта, катта маблағлар зарур эди. Ажратилётган маблағлар эса етарли эмасди. Содда қилиб

айтганда, «ўз ёғимизга ўзимиз қовурилиб юрардик». Ниҳоят, сўнгги йилларда Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан кон-металлургия соҳаси янги ривожланиш ва юксалиш даврига қадам қўйди. Комбинатни ривожлантиришнинг 2017 – 2026 йилларга мўлжалланган янги техника ва технологияларни жорий этиш бўйича қиймати 3,4 миллиард доллар бўлган 27 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг ташкил топиши четдан маблағлар жалб этишда катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Тошкентда бўлиб ўтган биринчи Халқаро инвест-

тиция форуми доирасида комбинатнинг инвестиция дастурини молиялаштириш учун 1 миллиард долларлик ҳамкорлик битими имзоланди. Шуни алоҳида муҳимки, бу кредит маблағлари давлат кафолатисиз олинди. Бу нимани аниқлатади? Демак, хорижий ҳамкорларимиз бугунги кунда Ўзбекистонда олиб бориладиган ислохотларнинг бардавонлигига ишонмоқда. Ишонч эса ўз-ўзидан бўлмади. Унинг замирида Президентимиз олиб бораётган очиклик ва прагматик сиёсат туриди. Шундай экан, бугунги кунда ҳар бир фуқаро, қорхона яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, натижа учун ишлаши керак.

Биз «яшил иқтисодиёт» йўлидан боряпмиз



Алишер СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
энергетика вазири

Авалло, шуни айтиш керакки, мақоланинг «Бугун қарсақлар замони эмас!», дея номланганининг ўзиёқ катта маънога эга. Чиндан ҳам, ҳозир қилган ишларимизга маҳлиё бўлиб, ўзимизни ўзимиз мақтаб ўтирадиган давр эмас. Аксинча, мамлакатимиз, халқимиз учун хизмат қиладиган лойиҳаларни нафақат ишлаб чиқиш, балки амалиётга самарали татбиқ этиш жуда муҳим.

Муаллиф кейинги йилларда юртимиз энергетика соҳасидаги ислохотларни эъ-

тироф қиларкан, кўплаб шамол ва қуёш электр станциялари барпо этиладигани, бу ташаббуслар истиқболли экани, чет эл молия институтлари эътирофига сазовор бўлаётганини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай қиёс қилади: «Холбуки, дунёда ўнлаб йиллар мамлакатиде битта йирик завод ёки қорхона, оддий тўғон қуришга пул топа олмайд сарсон бўлиб юрган давлатлар ҳам йўқ эмас».

Энди биздаги рақамларга эътибор беринг: Ўзбекистон энергетика тармоғини модернизация қилиш натижасида 2026 йилгача давлат-хусусий шериклик асосида умумий қиймати 12 миллиард долларлик 29 та лойиҳа амалга оширилади. Улар қўшимча 71 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради, йилга 12 миллиард куб метр табиий газ тежаллади. Тасаввур қиялсизми? Ҳам ишлаб чиқарамиз, ҳам табиий захирамизни тежаймиз.

Ўш бўлмаса, қайнда Туркия Республикаси Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев билан биргаликда Қйбрай туманидаги иссиқлик электр станциясини ишга тушириб, Ховос туманидаги иссиқлик электр станцияси қурилишини бошлаб бергани ҳам тизимдаги улкан воқеалардан бири бўлди. Нега деганда, Қйбрайдаги

ИЭС қуввати 240 мегаватт бўлиб, йилга 2 миллиард килловатт-соат энергия ишлаб чиқаради. Ховос туманидаги янги иссиқлик электр станцияси эса 220 мегаватт қувватга эга, унда йилга 1 миллиард 700 миллион килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Мана, нима учун бизга инвестициялар керак! Мана, нима учун ташқи сармоя муҳим?! Улар масалан, электр энергияси таъминотида янги имкониятлар очи-

лишига, демакки, халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилади. Ваҳоланки, бир пайтлар одамларимиз суткасига 20 – 22 соатлаб электр энергиясиз ўтирарди. Бу, албатта, уларнинг қайфиятига жуда ёмон таъсир қиларди.

Сўнгги тўрт йил мобайнида соҳага инвестиция йўналтириш жараёни тезлашди. Хусусан, шу вақт ичида электр инфра-

тузилмасига жалб қилинган инвестициялар ҳажми мустақиллик давридаги жами инвестицияларнинг 75 фоизига тенг бўлгани ёки 26 баравар кўпайгани эътирофга лойиқ.

Бундан ташқари, 2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегияси қабул қилинган. Бу нима дегани? Бу биз бундан буёғига шамол ва қуёш иссиқлигидан ҳам самарали фойдаланамиз, дегани. Чунки минтақадаги жойлашувимиз йирик гидроиншоотлар қуриш имкониятини чеклайди. Шу боис муқобил манбалардан фойдаланишимиз зарур.

Ўзбекистон бу борада етарлича куч ва салоҳиятга эга. Бугунги қилинаётган саъй-ҳаракатлар, соҳадаги аниқ мақсадли лойиҳалар бунга шароит ва имконият яратади.

Ташқи қарздан қутулиш масаласига келсак, қурилишга сарфланган маблағ тезда ўзини оқлайди. Сабаби, аввал газнинг ўзи хом ашё сифатида сотилган бўлса, эндиликда қўшимча қиймат яратилляпти. Яъни газни қайта ишлаш ҳисобига йилга 724 минг тонна синтетик дизель ёнилғиси, 307 минг тонна синтетик керосин, 437 минг тонна синтетик нафта ва 53 минг тонна сунолтирилган газдан ташқари чизикли аксилбензол, чизикли аксилбензол сульфат, гексен-1,

бутен-1 синтетик мойлари, парафин гранулялари ҳамда бошқа маҳсулотлар ҳам олинади. Булар янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш имконини беради. Демак, иш ўринлари янада кўпайди. Бундан ташқари, газнинг ўзини хом ашё сифатида сотганига қараганда 2,5 баробар кўп фойда олинади.

Қисқаси, Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилган мазкур лойиҳа рентабеллигига халқаро ҳамкорлар ишончи кучли. Бу эса келгусида қилинажак лойиҳаларни молиялаштириш учун ҳам имкониятларни кенг очиб беради.

Бугунги сиёсатда дадиллик ва жасоратни кўраман



Фахритдин АБДУРАСУЛОВ,
Қашқадарё вилоятидаги
«Uzbekistan GTL» МЧЖ бош
директори

Дунёнинг қалтислашиб бораётган майдонида ўзини йўқотмаслик, халқ фаровонлиги сари тинимсиз ҳаракат учун ҳам жасорат керак. Ўзбекистонда олиб бориладиган сиёсатда мен жасоратни кўраман. Айтиш жоизки, ислохотларнинг айрим жиҳатлари, яъни қарз би-

лан боғлиқ масалаларнинг мазмун-моҳияти «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 18 март сониде чоп этилган «Бугун қарсақлар замони эмас!» мақоласида жуда кенг ва тушунарли тарзда таҳлил этиб берилган. Хусусан, бизнинг завод ҳақида ҳам мулоҳазалар келтирилган.

Дарҳақиқат, завод қуриш, қургандаям технологияларнинг энг сўнгги русумидагини, ҳали айрим ривожланган давлатлар қурби этиши у ёқда турсин, ақлини шошириб қўядиганини қуриш осон эмас. Бунақаси дунё бўйича 6 та, холос.

Очиги, бундай гигант қорхонани Ўзбекистон ўз маблағига қуриши мумкин эмас. Айнан шу боис заводимиз қурилиши бир вақтлар тўхтаб қолганди. Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, қатъий позицияси билан ноёб завод барпо этилиб, ишга туширилди. «Ташқи қарз шартми?» каби гапларга мана шунинг ўзи бир мисол бўла олади.

Бир нарсани яхши англаб

олиш керакки, аслида қарз ҳаммага ҳам берилвермайди. Бунинг учун ишончга кириш лозим.

Мамлакатимиз танлаган йўл, олиб бориладиган сиёсат халқаро ҳамкорларда қатъий ишонч уйғотиб, тақлифларга «лаббай» дейишларига асос бўлди. Заводимиз мисолида айтганим бўлсам, Нидерландиянинг «ING Vank»и, Хитойнинг Таррақий банк, Жаңийи Корейнинг Эксимбанк, шу давлатнинг Савдо-сугурта корпорацияси, Россиянинг «Газпромбанк»и, «Росэксимбанк»и сингари молия институтлари бизни қўллаб-қувватлади. Яъни лойиҳанинг умумий қиймати 3,42 млрд доллар бўлса, шунинг 1,12 млрд дол-

лари «Ўзбекнефтгаз» АЖники, қолган 2,3 млрд доллари ташқи қарз.

Ташқи қарздан қутулиш масаласига келсак, қурилишга сарфланган маблағ тезда ўзини оқлайди. Сабаби, аввал газнинг ўзи хом ашё сифатида сотилган бўлса, эндиликда қўшимча қиймат яратилляпти. Яъни газни қайта ишлаш ҳисобига йилга 724 минг тонна синтетик дизель ёнилғиси, 307 минг тонна синтетик керосин, 437 минг тонна синтетик нафта ва 53 минг тонна сунолтирилган газдан ташқари чизикли аксилбензол, чизикли аксилбензол сульфат, гексен-1,

бутен-1 синтетик мойлари, парафин гранулялари ҳамда бошқа маҳсулотлар ҳам олинади. Булар янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш имконини беради. Демак, иш ўринлари янада кўпайди. Бундан ташқари, газнинг ўзини хом ашё сифатида сотганига қараганда 2,5 баробар кўп фойда олинади.

Қисқаси, Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилган мазкур лойиҳа рентабеллигига халқаро ҳамкорлар ишончи кучли. Бу эса келгусида қилинажак лойиҳаларни молиялаштириш учун ҳам имкониятларни кенг очиб беради.



Биздан кимнидир қидирманг. Биз фақат йўлмиз.

Парвоз юксалишни аңлатмайди. Парвоз юқари кўтарилди олин, холос. Манзилни аңлаш – юксалишдир!

Ҳаётдан ҳамма нарсани кўтманг. Фақат сизники бўлганини олинг! Сизники бўлгани ўзи келади...

Манзилга етмасдан манзилга айлана олмайсиз.

Ёқимли кунлар ўзи келмайди, яратилади!

Ҳаёт ўз сўзини айтмасидан аввал сиз ўз сўзингизни айтинг!

Шамдек сассиз ёниб, тошдек жим, Гүлдек ифгор таратиб яшанг!

Дўстлар шунчаки пайдо бўлмайди. Уларни ҳаёт яратади ва кўрсатади.

Манзилда адашсангиз ҳам, Йўлдош танлашда адашманг.

Қўлимизга боқинди, лекин уларга атаганимиз кўксимизда эди...

Гўзал қалбларнинг йиғиси ҳам гўзал. Шундай одам бўлинки, бошқалар Сиз борлигиниз учун ҳам яшаёти келсин! Шунчаки борлигиниз уларга таскин берсин.

Сени тушунмайдиган кўпчиликдан Сени иброк қила оладиган озчилик афзал.

Ҳар соҳилга бош ураверманг. Ўзингиз интилган соҳил бўлсин!

Излаган Ёр эмас. Кутган – Ёр!

Кўпчилик ичиди аңлаш мумкин, лекин топиб бўлмайди.

Баъзан ўйлар сени юксалтиради. Баъзан эса юксалишлар сени ўйлантиради...

Айрим манзилларга йўлдан эмас, Қалбдан борилади.

Денгиз соҳилга бежиз бош урмайди. Соҳилда унга ёқадиган нимадир бор...

Одамнинг ўлими – мусибат. Қалбнинг ўлими – фожиа.

Кунлар – эшитилмаётган унлардир.

Кимгадир ҳаловат бера олмадингизми, Демак, ҳеч нарса бермабсиз!

Сени кўпчилик танишидан озчилик аңлаши мўҳимроқ!

Очиқ эшик кимгадир эҳтиёж борлигини аңлатмайди.

Кимнидир ҳаёлида яшаш баъзан дунёда яшайдан кўра гўзалроқдир!

Сафарга ҳою ҳаваслар билан чиқманг. Йўл фақат буюк мақсадлар учун!

Одам доим ўз дардларининг ранеида бўлади.

Умр бу йўқотиш эмас. У – абадий излаш ва топишдир...

Ҳаёт – бир умр дераза тирқишидан мўраламоқдир...

Шўҳрат ОРИФ

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ БЎШЛИҚЛАР ТЎЛДИРИЛАДИ

«Ishonch»га жавоб берадилар



тартибдаги ва жамоавий меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиблари, яраштирув тартиб тасмийллари бўйича алоҳида қоидалар белгиланган.

Бундан ташқари, меҳнат низоларини ҳал этишда медиаинститутни киритилган бўлиб, яъни ҳар қандай яққа тартибдаги меҳнат низолини меҳнат низоли бўйича комиссияда ёки судда кўриб чиқишнинг исталган босқичида, суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун киришидан олдин «Медиаинститут тўғрисида»ги қонунга мувофиқ кўриб чиқиш учун медиаторга ўтказилиши мумкин. Алоҳида модда билан Жамоавий меҳнат низолини медиатор иштирокида ҳал этиш (тартибга солиш) механизми ҳам белгилаб берилмоқда. Шунингдек, меҳнат низоларини ҳал этишда меҳнат арбитражи институтларини жорий қилиш ҳолатлари ҳам қонунда кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Касаба уюшмаларининг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнатни муҳофаз қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғидаги ҳуқуқлари ҳам алоҳида модда билан белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, қонунда илк бор

«Ishonch» газетасининг шу йил 1 мартдаги 26-сониди «Меҳнат низолини судлари ташқили этилиши», сарлавҳали мақола эълон қилиниб, мутасаддилар эътиборни касабани уюшмалари ҳузурда нодавлат шаклидаги «Меҳнат низолини судлари»ни ташқили қилиш таслифи берилган эди.

ҳодим томонидан содир этилган ножўя жамоатчилик интизомий хатти-ҳаракати юзасидан ҳақиқатни аниқлашга қаратилган хизмат текшируви институтини, унинг тушунчаси, ўтказиш тартибини, натижаларини расмийлаштириш тартиблари ҳам акс этмоқда.

Қонун расман кучга кирганидан сўнгра меҳнат низолини ҳал этишдаги амалиётда юзага келган бўшлиқлар тўлдирилади ва меҳнат низолини адолатли кўриб чиқилишига эришилади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Конституциянинг 106-моддасига кўра Суд ҳокимияти қонун чиқаруви ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, деб белгилаб қўйилган. У бирон ташкилот ҳузурда ташқили этилиши мумкин эмас. Конституциянинг 107-моддасида эса Суд тизими қандай судлардан иборат экани мустаҳкамлаб қўйилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси М.ХОДЖАЕВА

Унга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан куйидагича муносабат билдирилди:

Айни кунларда қонунчилигимизда меҳнат муносабатларини тартибга солиш борасидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 34-боби «Меҳнат низолини кўриб чиқиш»га бағишланган бўлиб, боб 40 та моддадан иборат. Ушбу бобда меҳнат низолининг турлари, уларни кўриб чиқиш тартибини, меҳнат низоли бўйича комиссияни тузиш, унинг ваколатлари, яққа

Иш Бош прокуратурага ОШИРИЛДИ

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 19 февралдаги сониди «Тишининг бориди тишлаб қол... ёки бюджет маблағларини бемақсад совириш бўйича «Андижонга тажриба»дан бир кўрнинг» сарлавҳали мақола эълон қилиниб эди.



Анча шов-шувларга сабаб бўлган мазкур мақолага Коррупцияга қарши курашиш агентлиги куйидаги мазмунда муносабат билдирди: Газета саҳифаларида кўтарилган масала агентлик томонидан ўрганилди.

Ўрганишда Андижон шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси «Универсал махсус транс» МЧЖ билан оғзаки келишув асосида танлов ёки тендер ўтказмаган ҳолда Андижон шаҳар ҳудудидан ўтувчи қатта кўчалар ўртасидаги бетон тўсиқлар орасига манзарали гулхоналар қурилгани аниқланди.

Шунга кўра ушбу ҳолат юзасидан масъул шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун Бош прокуратурага сўровнома киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори ўринбосари

Т. ҲАЙДАРОВ



Гапнинг очигини айтганда, ҳозирги мураккаб экологик вазият ҳамда техника тараққиёти асрида бир ёки иккита хасталиги бўлмаган одамнинг ўзи топилмаса керак? Шу сабаб мутахассислар ҳар олти ойда, тартиб бўйича эса бир йилда бир марта тиббий кўрикдан ўтиб туришни маслаҳат беришган.

ТИББИЙ КЎРИК нега керак?

Аммо қизиқ жиҳати шуки, аксарият инсонлар саломатлиги ёмонлашиб, жиддий тус олгандагина шифокорга мурожаат қилишади. Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик: бир йилда бир марта тиббий кўрикдан ўтишимизга қанча вақт сарфланади? Оилавий поликлиникалардаги навбатларни ҳисобга олсак, кўпи билан 3-4 соат. Вақтни тўғри тақсимласак, ҳар куни 2 та

шифокор кўригидан ўтсак ҳам, бир ҳафтада саломатлигимиз қай даражада экани ҳақидаги маълумотлар кўлимизга тегади. Тиббий кўрикнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, у марказий кўптармоқли поликлиникалар, оилавий поликлиникалар, қишлоқ оилавий поликлиникалари ва диспансерларида амалга оширилади. Бундай кўриklar орқали биринчи галда мавжуд касалликлар вақтида аниқланади. Энг муҳими,

Мулоҳаза учун мавзу

хасталикнинг сурункали ҳолатига ўтиб кетишининг олди олинади. Муҳими, уларнинг 80 фоизини даволаш ниҳоятда осон кечади. Инсон умри узаяди, соғлом авлод дунёга келади.

Тиббиёт фанлари номзоди, доцент Улуғбек Муродовнинг айтишича, тиббий кўрикнинг муддати ва аҳамияти ҳақида барча ҳам бирдек маълумотга эга эмас. Бу эса тиббий маданиятнинг етарли даражада эмаслигидан дарак беради. Пойтахтимиздаги битта туман аҳолисини 100 фоиз деб ҳисобласак, шундан ўз хоҳишига кўра бир йилда бир марта тиббий кўрикдан ўтадиганларнинг сони 20 фоиз атрофида ҳолос.

Аҳоли орасида тиббий кўриққа бўлган эътибор ва тиббий маданиятни ошириш эса кўпроқ инсоннинг ички тарбияси ҳамда ўз саломатлигига бўлган эътиборидан бошланади.

Ўз саломатлигига бефарқ бўлмаган ва уни мустаҳкамлаган инсон соғлом турмуш тарзига монанд – мос ҳаёт кечирилади ва бедаво хасталиклардан ўзини ҳимоя қила олади.

Келинг, шу ўринда барчамиз ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: охириги марта қачон тиббий кўриққа боргандик?

Шаҳло АБДУРАҲМОҶОНОВА, «ISHONCH»

«Оқ кема»нинг кўкламги «лангари» Соғломлаштириш. Мўйноқ туманидаги «Оқ кема» болалар оромгоҳи ва соғломлаштириш марказида март ойининг охириги кунларида Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи 7-14 ёш оралиғидаги 100 нафар ўғил-қиз мароқли дам олди. Хар бир бола учун йўланма нархи 575 минг 203 сўмдан тўғри келди. Шундан 158 минг 181 сўмини уларнинг ота-онани тўлади, қолган қисми касабани уюшма маблағлари ҳисобидан қопланди. «Оқ кема»да болаларнинг дам олишлари ниҳоятда қизиқарли ва мазмунли ўтди. Улар учун байрам дастурлари, концертлар, «Орол султони», «Орол маликаси», «Қани, йигитлар!», «Балли, қизлар!» танловлари, спорт мусобақалари уюштирилди. Бу тадбирларда фол қатнашганлар фахрий ёрликлар билан тақдирланди. – Ушбу марказда менинг фарзандим ҳам дам олиб қайтди, – дейди Чимбой туманидаги 33-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Зияда Ғаниева. – У оромгоҳда барча шарт-шароитлар муҳайё этилгани ҳақида ҳаяжон билан гапириб берди. Биз келажакимиз ворислари учун яратиб берилаётган имконият ва имтиёزلардан беҳад миннатдоримиз. Эслабтиб ўтаемиз: «Оқ кема» болалар оромгоҳи ва соғломлаштириш марказида ёз мавсумидан ташқари, ўқув йилининг ҳар чорағида мактаб ўқувчилари учун дам олиш кунлари ташқил қилинмоқда. Наҳажанда марказ нафақат оромгоҳ ва соғломлаштириш маскани сифатида, балки Мўйноқнинг диққатга сазовор жойларидан бири сифатида ҳам машҳур бўлмоқда. Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. ISSN 2616-1809. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Сўҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Меҳриддин ШУКУРОВ (Масъул котиб – ishonch), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Хусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69, Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89, Миллий-маънавий кадрятлар ва спорт – (71) 256-82-79, Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43, Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Қудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22, Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23, Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24, Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34, Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02, Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28, Тошкент вилояти – (+998-93) 573-77-14, Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26, Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55, Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32, Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24, Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01, Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдураҳмонов. Мусаҳҳиж: Д. Худойберганаова. Саҳифаловчи: Ҳ. Абдуҷалилов. Босишга топшириш вақти – 21:10. Топширилди – 21:30. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бунортма V-5102 34351 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133. 1 2 3 4 5 6. Баҳоси келишилган нарҳда.

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Алишер Навоий кўчаси 30-уй. Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka Bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130.